

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 23 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 37 (10.594)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ
бир кун
Янгиликлар, воқеалар

Қисқа
сатрларда

• **БУГУН** Учтепа туманидаги "Нишаб-риқ" маҳалласида маҳалла фаоллари иш-тирокида "Маънавият ва маърифат" маркази, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлими хамкорликларида уюштирилган давра суҳбати "Ҳомийлик ва ватанпарвар-лик" деб номланди.

• **БУГУН** Бектемир туманидаги "Фаол-ранс" очик акциядорлик жамиятида "Маъ-навият ва маърифат" маркази, "Адолат" со-циал-демократик партияси, "Камолот" ЁИХ туман бўлими хамкорликларида Ҳомий-лар ва шифокорлар йили мазмун ва моҳи-ятини кенг оммага етказишнинг муҳим омилларида бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• **БУГУН** Ҳамза қурилиш касб-хунар коллежида "Маънавият ва маърифат" мар-казининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар ва ўқитувчилар иштиро-кида уюштирилган давра суҳбати жамият тараққиётида оиланинг роли масаласига бағишланди.

• **БУГУН** Серғели туманидаги 3-мактаб-да "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўқувчи қиз-лар, шифокорлар иштирокида "Балоғат ёшидаги қизлар гигиенаси" мавзусида дав-ра суҳбати ўтказилди.

• **БУГУН** Юнусобод туманидаги 5-оила-вий поликлиникада "Маънавият ва маъри-фат" марказининг туман бўлими томони-дан уюштирилган давра суҳбати "Огоҳлик — давр талаби" деб номланди.

• **БУГУН** "Камолот" ЁИХ Чилонзор ту-ман бўлими қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти ташаббуси билан сардорлар ва етакчилар иштирокида "Энг фаол сардор", "Энг фаол етакчи" номинациялари бўйича ғолиб бўлган ёшларни тақдирлаш маро-сими ўтказилди.

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги 18-мактабда "Камолот" ЁИХ етакчилар кенга-ши аъзолари иштирокида "Давлат дастур-лари билан ишлаш усуллари" мавзусида ўтказилган семинар "Камолот" ЁИХ Яккаса-рой туман бўлими томонидан уюштирилди.

• **БУГУН** Ҳамза темир йўл касб-хунар коллежида ўқувчилар ва ўқитувчилар иш-тирокида ўтказилган семинар "Инсонлар ўртасидаги муаммолар ва уларни ечиш усуллари" деб номланди.

• **КЕЧА** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик ли-цейда Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси, "Камолот" ЁИХ Тош-кент шаҳар Кенгаши хамкорликларида та-шқил этилган "Интеллектуал олимпиада" лойиҳаси доирасида уюштирилган «Сиз та-рихни биласизми?» кўрик-танловининг фи-нал босқичи бўлиб ўтди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекис-тон Миллий университетининг ҳуқуқшунос-лик факультетида талабалар ва ўқитувчи-лар иштирокида уюштирилган давра суҳ-бати "Баркамол авлод — миллатимиз ке-лажаги" деб номланди.

• **БАДИЙ** академиянинг Марказий кўргазмалар залида рассом Анвар Бахти-евнинг шахсий асарлари кўргазмаси намои-ш этилди.

• **ЎТГАН** кун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Ғоғида, Собир Раҳи-мов туманидаги "Чигатой" қабристониди хайрия хашари уюштирилди.


• **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерватори-ясида ЎТГАН кун санъат ихлосмандлари эътиборига Республика мусика коллежи ўқувчилари томонидан тайёрланган кон-церт дастури ҳавола этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИ БЕШИНЧИ ЯЛПИ
МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Се-натиинг бешинчи ялпи мажлиси 2006 йил 24 февраль кун соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-тининг мажлислар залида очилади.

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ
КАРИМОВ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ 2005 ЙИЛДА
МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЯҚУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ
ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ
МУҲИМ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН
МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА
ЎТГАН ЙИЛ 10-11 ОКТЯБРЬ
КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА ИЛК БОР
ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ПАХТА
ЯРМАРКАСИ ЮРТИМИЗ ПАХТА
МАҲСУЛОТИНИ СОТИШ ВА УНИ
ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАРГА
ВОСИТАЧИЛАРСИЗ, ТЎҒРИДАН-
ТЎҒРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ЯНАДА
ЭРКИНЛАШТИРИШ, ХАРИДОР
МАМЛАКАТЛАР ГЕОГРАФИЯСИНИ
КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ИМКОН
ЯРАТГАНЛИГИ ТАЪКИДЛАДИ.**



ЎЗБЕК ТОЛАСИГА ЖАҲОН ХАРИДОР

Ярмаркада дунёнинг йи-гирмадан ортик мамлакатидан келган икки юздан кўпроқ хорижий компания ва фирма вакиллари билан 1,5 миллион тоннага яқин пахта толасини етказиб бе-риш юзасидан шартномалар имзоланди. Заминимизда етиштирилган, микронейр кўрсаткичлари ва сифати жаҳон андозасига ўла мос толамизнинг асосий қисми Хитой, Россия, Хиндистон, Жанубий Корея, Сингапур, Бангладеш, Бирлашган Араб Амириклари каби давлатлар саноатчилари то-монидан харид қилинди.

Рустам Соқиев. — Пахта хомашёси етиштиришда дунёда олтинчи, экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда турадиган мамлака-тимизда ҳудудий пахта тер-миналларининг ташқил эти-лиши, ишлаб чиқарувчилар — пахта заводлари ҳамда харидорлар — классёрлар ўртасидаги олди-сотди му-носабатларини замонавий талаблар асосида марказ-лаштирилган ҳолда ўтка-зиш имконини бермоқда. Масалан, аввал классёрлар пойтахт вилоятининг энг чека — «Бекобод» пахта тозалаш заводи толасидан намуна олиб ке-лиш учун уч юз километр йўл босиши, қанча-дан қанча вақт сарфлаб, ортқ-ча харажат қили-шига тўғри ке-ларди.

Эндиликда бундай муаммо-ларга барҳам берилди. Дав-латимиз раҳба-рининг ташаб-буси билан ҳудудий пахта терминаллари ташқил этилди. Харидорлар зарур ҳуж-жатларни шу ернинг ўзида расмийлаштириши учун барча шaroит яратилган. Ўзбекистон «Сифат» мар-казининг лабораторияси, боғхона, давлат карантин назорати пункти ва шу каби хизматлар юк ҳужжатлари-ни қисқа вақтда тўлдириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, юкланган маҳсу-лот ҳақидаги барча маълум-отлар тезкорлик билан шу куннинг ўзидаёқ ташқи сав-до компаниясига юборила-ди.

«Тошкент-Тола» термина-ли ташқил этилган йили ха-ридорларнинг 75 минг тон-нага яқин толасини етказиб берган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 76 минг тон-надан кўпроқни ташқил



тайёрланаётган толани та-шқи савдо компаниялари билан тузилган шартнома-лар бўйича ички истеъмол-чилар ҳамда хорижий ха-ридорларга етказиб бериш билан шуғулланади.

Терминалимизда бир йўла 35 минг тоннадан кўпроқ толани сақлаш им-конига эга еттига омбор мавжуд. Хомашё 24 тонна-гача юк ташиш қувватига эга «Мерседес-Бенц» автопо-ездларида харидорларга етказиб берилади. Темир йўл линияси ҳам яқин.

Харидорлар зарур ҳуж-жатларни шу ернинг ўзида расмийлаштириши учун барча шaroит яратилган. Ўзбекистон «Сифат» мар-казининг лабораторияси, боғхона, давлат карантин назорати пункти ва шу каби хизматлар юк ҳужжатлари-ни қисқа вақтда тўлдириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, юкланган маҳсу-лот ҳақидаги барча маълум-отлар тезкорлик билан шу куннинг ўзидаёқ ташқи сав-до компаниясига юборила-ди.

«Тошкент-Тола» термина-ли ташқил этилган йили ха-ридорларнинг 75 минг тон-нага яқин толасини етказиб берган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 76 минг тон-надан кўпроқни ташқил

этди. Ўтган йилда тузил-ган шартномалар бўйича тола етказиб бериш ҳали давом этапти. Шартнома-ларда қайд этилган хомаш-ёнинг умумий микдори 110 минг тоннадан ортиқроқ бўлиб, айна вақтга қадар қарийб қирқ минг тонна маҳсулот экспорт қилинди. Бу борада Халқаро Ўзбе-кистон пахта ярмаркасида тузилган шартномаларнинг салмоғи янада юқори.

Шуни айтиб ўтиш жоиз-ки, айна вақтгача тола асо-сан Европа, Америка мам-лакатларига жўнатишдан бўлса, эндиликда Хитой, Россия, Бангладеш, Вьет-намга ҳам тўғридан-тўғри етказиб берилляпти. Бундан кўриниб турибдики, Жану-би-Шарқий Осиё мамлакат-лари тўқимачилик корхона-ларининг юқори сифатли, рақобатбардош ўзбек пахта хомашёсига эҳтиёжи тобора ортапти.

Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида пахтачилик саноатида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асосий мақсади мамлакатимиз иқтисодий қудратини ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қара-тилган.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

ОБУНА ЙИЛ ДАВОМИДА

Азиз оқшомхон! Мана янги кун-гайрат, эзгу орзу-умидлар билан Ҳомийлар ва шифокорлар йилга ҳам қадам қўйдик. Бар-ча соҳалар қаторида «Оқшом» газеталари ҳам Янги йилдан янги руҳ, янги мазмун, янги шакл билан муштарийлар хонадонига кириб бормоқда. Тахририят аъзолари оқшомхонларнинг та-лаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда ранг-баранг мавзудаги ма-қолаларни газета саҳифаларида ёритиб боришга ҳаракат қил-моқдалар.

Агарда газетамизга обуна бўлишга улғурмай қолган бўлсан-гиз, қулоғингиз, ҳамшаҳарларимиз-га қўлайлик яратиш мақсадида

Тошкент
ОҚШОМИ

йил давомида «Оқшом»га обуна бўлиш имконияти яратилган. Сиз хоҳлаган вақтингизда шаҳримиздаги алоқа бўлимлари-га бориб ўзингиз севиб мутлола қиладиган «Оқшом»га ҳеч қан-дай монеликсиз обуна бўлишингиз мумкин. Ишонтириб айтмайми-зи, сизга ман-зур бўладиган янги руҳи ва ма-қолаларини ҳали «таҳи» бузил-гани йўқ, у сизларни қутмоқда. Бир сўз билан айтганда, обуна бўлишга шошилиш.


**МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН
ГЕРМАНИЯ БУНДЕСТАГИНИНГ ГЕРМАНИЯ-
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ПАРЛАМЕНТ ГРУҲИ РАИСИ
ХЕДИ ВЕГЕНЕР ХОНИМ РАҲБАРЛИГИДАГИ
ДЕЛЕГАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) С.РАШИДОВА БИЛАН
УЧРАШДИ.**

ОМБУДСМАН БИЛАН УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча со-ҳаларда, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот соҳа-сида ҳам самарали хамкорлик йўлга қўйилгани таъкидлан-ди. Меҳмонлар юртимизда амалга оширилаётган демок-ратик жараёнлар, Омбудсман институтининг республи-камиздаги жамоат ташкилотлари билан хамкорлиги ва унинг фаолияти билан танишди. Ўзбекистонда ин-сон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

ЎЗА

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Парламентнинг юқори палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си Сенатининг навбатдаги бешинчи ялпи мажлисига тайёргарлик юзасидан Бюд-жет ва иқтисодий ислохотлар масалала-ри, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалала-ри, Ташқи сиёсат масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди.

• 21-22 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг 2005 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳақидаги ҳисоботларини эшитдилар.

• Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, Бухоро ва Сирдарё ви-лоятларида бўлиб ўтган фаоллар йиғи-лишларида 2005 йилда амалга оширил-ган ишлар ва истиқболдаги вазифалар батафсил муҳокама этилди, Юртбоши-мизнинг яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

• Тошкентда Ўзбекистон ва Буюк Бри-тания ёш олимлари учун ўқув семинари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида табиий офатлар, аввало, зилзилалар хавфини камайтириш ва ба-ҳолаш мавзусида ўтаётган ушбу анжу-манда соҳанинг етук олимлари, таникли мутахассислар иштирок этапти.

• Сурхондарёдаги Археология музейи халқаро доирада «Энг яхши музей» деб эътироф этилди. Гап шундаки, бундан тўрт йил муқаддам ташқил этилган ушбу музей олимлари жиддий илмий изланиш олиб бордилар. Бу ерда амалга ошири-лаётган кашфиётлар, изланишлар ва унинг натижалари интернетда мунтазам ёритиб борилди. Натижада мазкур му-зей халқаро «Музейлар кўрик-фестива-ли»нинг ғолибларидан бирига айланди.

• «Хоразм-Палас» меҳмонхона мажмуи ўтган йилги фаолияти натижалари бўй-ича жаҳон сайёҳлик бизнеси соҳасидаги энг нуфузли мукофотлардан бири — «Иш-даги юқори сифат учун» олтин медалига сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, «Хо-разм-Палас»да ўтган йили 5 минг на-фар чет эллик сайёҳ хордиқ қиларган бўлса, жорий йилда бундан икки баро-бар кўп сайёҳни қабул қилиш мўлжал-ланган.

• Когон шаҳридаги темирйўлчилар ма-даният саройида туман ҳокимиятининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида тумандаги 27 кор-хона ва ташкилотлар 111 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

• Юсуфжон қизик Шакаржонов номи-даги Фарғона вилоят мусикали драма ва ҳажвия театри томонидан болалар учун сахналаштирилган «Профессор Баджаҳ-лнинг кашфиёти» номли асар томоша-бинлар ҳукмига ҳавола этилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Озарбойжоннинг пойтахти Боку шаҳрида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев Озарбойжонда Россия йилининг очилиши маросимида иш-тирок этишди.

• Канаданинг Торонто шаҳрида бир гуруҳ шифокорлар устидан суд жараёни бошланди. Улар 1980-1990 йиллар да-вомида минглаб кишиларнинг ОИСВ ва С гепатити билан касалланишида айбдор деб ҳисобланмоқда. Уларга қўйилаётган айбловлар орасида вазифаларига бепар-волик ва масъулиятсизлик билан ёндош-ганлиги алоҳида таъкидланмоқда.

• Техрон ва Пекин Хитойга Эроннинг юз миллиард АҚШ доллар микдорида энергия манбаларини етказиб бериши юзасидан узоқ муддатли битим тузиш ма-саласини муҳокама қилдилар. Нефть ва табиий газ етказиб бериш, шунингдек нефть-кимёни ривожлантириш соҳасида ҳар икки мамлакат хамкорлиги қўзда ту-тилган мазкур битим Ормуз кўлигидаги Кешм курорт оролида қўриб чиқилди.

• Япония олимлари инфрақизил теле-скоп билан жиҳозланган Astro-F сунъий йўлдошини фазога учирлиши. Йўлдош янги юлдузлар пайдо бўлиши жараёнини кузатади. Юлдуз харитасини инфрақизил диапазонда сканер қилишга қодир бўлган телескоп Голландия, Америка ва Англия олимлари хамкорлигида яратилди.

• Таиланднинг Бангкок шаҳридаги оке-анариум маъмурияти мухлисларни жалб этишининг ўзига хос усулини ўйлаб топди. Эндиликда ҳар бир хоҳловчи кичик ҳақ эвазига 4,5 миллион литрлик улкан аква-риумга шўнғиб ақула ҳамда бошқа ден-гиз мавжудотлари ёнида сузиши мумкин.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар бери-шича, 24 февраль кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин.

Фардан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ, БИРИНЧИ ГАЛДА, УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИНИНГ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАМЛАГАН ҲОЛДА, БИРЛАШГАН БУЮРТАМЧИ СИФАТИДА ИШ ЮРИТМОҒИ, ТЎПЛАГАН МАБЛАҒЛАРИНИ БЕВОСИТА ҲАМ ОДОЛДА ТУРГАН МАҚСАДГА, ЯЪНИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ТАЪМИРЛАШ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА САКЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ ЛОЗИМ.
(Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан).



Қарор ва ижро

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ҲАМ ҚЎЛИМИЗДА

торларини танлаш, уларнинг иш фаолиятини чуқур ўрганиш ва жойларга тавсия этиш ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, 72 нафар ширкат раҳбарининг «Узкоммун-хизмат» агентлиги қўшидаги ўқув марказида малака оширилганлиги бугунги кунда яхши самара бермоқда.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида коммунал хизматлар, пудрат ва таъмир ишлари бозорларини шакллантириш соҳадаги энг муҳим масала эканини алоҳида кўрсатиб ўтдилар...

— Ҳа, Юртбошимиз жуда тўғри айтдилар, яъни «Токи бозорда рақобат юзага келмас экан, ҳар бир ширкат бир неча пудратчи орасидан энг мақбулини танлаш, у билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш юзасидан шартнома тузиш имкониятига эга бўлмас экан — бу соҳадаги мавжуд аҳволни ўнглаш қийин». Шу боис ҳам ширкатларни арзон ва сифатли керакли қурилиш ҳамда бошқа ашёлар билан таъминлаш мақсадида уюшма қошида шўба корхонаси ташкил этилмоқда. Шунингдек, мулкдорларга сервис хизмати кўрсатишни амалда яхшилаш, танлаш имкониятини яратиш, рақобатни ривожлантириш, сифатни таъминлаш мақсадида туманда қўриқ қаватли уйларга сервис хизмати кўрсатувчи бошқарув компанияларини ташкил этиш ишларини жадаллаштирялган. Ҳозирда ана шундай компаниялардан бири «Намунали Ҳамза» сервис-хизмат компанияси фаолият кўрсатмоқда. Уларга энг малакали мутахассислар танлаб олинади. Йил охиригача уларнинг яна бир нечтасини тузишни кўзда тутганимизки, бу ҳам

ширкатлардаги маблагнинг тежалишига, ҳам сифатли, рақобатбардор хизматдан фойдаланиш имкониятига замин яратди.

— Қўриқ қаватли уйларда яшовчи хонадон эгаларига қандай шароитлар яратилди ва келгусида нималар кўзда тутилмоқда?

— Кириш йўлакларини, том таъмири, темир эшиклар хусусида ортқича тўхталтиришга ҳолат йўқ. Лекин бу борада тумандаги ҳомий ташкилот ва фирмаларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш ўринли. Жорий йилда эса яшовчиларнинг ўз кучлари билан адо этиладиган ишларга кўпроқ аҳамият бериш ниятидамыз. Яна шунини айтиш лозимки, 2007 йилгача тумандаги қўриқ қаватли турар жой биноларини тўлиқ жорий таъмирдан чиқариш режалаштирилган. Утган йилда 105 та уй мукаммал таъмирланди.

Туман бўйича 2000-2006 йиллар мобайнида 1991 йилдаги қурилган 799 та уйнинг мукаммал таъмирланиши кўзда тутилган бўлса, ҳозир бу иш 674 та турар жой биносидан бажарилди. Жорий йилда 93 та уй тўла таъмирланди. Энг муҳими эса бажарилган барча режалар замирида қўриқ қаватли турар жойларда яшовчи аҳолига қўлайлик, намунали хизмат, оғирини енгиллатиш муҳассаси.

Айтиш жоизки, туманда коммунал соҳада ислохотларни чуқурлаштириш бўйича нафақат йиллик ёки чораклик режа, балки қўриқ қаватли ишлар дастури амалга оширилмоқдаки, бу албатта ўз самарасини беради. Бир сўз билан айтганда бўлсак, муаммолар ечимини ўз қўлимизда. Сухбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

Ташаббус — 2006

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

ҲАР ЙИЛИ АНЪНАВИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШЛАРИДА, СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАМ ҲИССАСИНИ ҚЎШМОҚДА.

Учтепа тумани ҳокимлигида ўтказилган «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг туман босқичида «Hamdam-Abzal» хусусий корхонаси, Миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи, «Зебинисо она» маъсулияти чекланган жамияти, «Насиба-Тоҳир», «Тальяна», «Қамол топ», «Гемомакс» хусусий фирмалари, «Саибо» маъсулияти чекланган жамиятлари сингари корхоналар иштирок этишди.

— Бугунги тадбиримизда ўндан ортиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иштирок этмоқда, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, «Аланга-монтаж» махсус қурилиш фирмаси бош директори Абдулла Юсуфалиев. — Эътиборли томони шундаки, намоийш этилаётган маҳсулотлар ўз сифати ва харидорчилиги билан ажралиб туради. Бу эса мамлакатимизда мазкур соҳаларга кенг эътибор берилганлигининг ифодасидир.

Тадбирда намоийш этилаётган маҳсулотлар ҳайъат аъзолари томонидан ҳар томонлама қўриб чиқилди. Ниҳоят, ғолиблар аниқланди. Шундай қилиб «Зебинисо она» маъсулияти чекланган жамияти — биринчи, сифатли ва бежирим трикотаж маҳсулотлари билан иштирок этган «Қамол топ» хусусий фирмаси — иккинчи, ҳар қандай уйнинг деразаларини сержозиба ойналар билан безатиш мумкин бўлган «Hamdam-Abzal» хусусий корхонаси — учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси ғолиби бўлди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Иқтисодиёт

БИРИ-БИРИДАН МАЗАЛИ

ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ, БУНИНГ УЧУН ЭСА СИФАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЮРИТИШ КЎПГИНА КОРХОНАЛАР ЖАМОАЛАРИНИНГ ЭЗГУ МАҚСАДИГА АЙЛАНГАН ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ. ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ «ЗУЛУҲ ТОҲИР» ШЎБА КОРХОНАСИ ҲАМ ШУНДАЙ КОРХОНАЛАРДАН САНАЛАДИ.

Мазкур шўба корхона ахли ҳамшаҳарларимиз дастурхонига шириндан-шакар 28 хилдаги қандолатчилик маҳсулотларини тортиқ қилмоқда. Малакали, касбига меҳр қўйган қандолатпазларга Россия давлатидан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар ҳақиқий мададкор бўлмоқда. Айниқса, жамоанинг «Шодлик», «Айём», «Луна», «Шоколадли», «Енғокли» каби бири биридан чиройли безакланган тортлари, кўплаб турдаги мевалар билан яратилган пирожнийлари ҳамда оғзингизда эрийдиган «Қумли», «Асалли», «Мағизли», «Кремли» каби 10 турдан ортиқ печенелари мижозларни мамнун қилмоқда. Эътиборли томони, уларни барча ёшдагилар — жажжи болажонлардан тортиб, кекслар ҳам севиб харид қиладилар.

Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган шўба корхона тадбиркорлари 4-5 турдаги харидорбоп макорон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Улар турли ҳажмда чиройли қадоклар, шаҳримиз дўконларига юборилмоқда.

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

«ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ» ДЕБ ХАЛҚИМИЗ БЕЖИЗ АЙТМАЙДИ. ЁШ, ШИЖОАТЛИ ТАДБИРКОР НИГОРА ОТАХОНОВА «НИГОРА» МОДАЛАР АТЕЛЬЕСИНИ ОЧГАНГА ЭНДИГИНА ИККИ ЙИЛ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, СЕВГАН ИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ҒАЙРАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА.

Мазкур хусусий ательеда 8 нафар қўли гул тикувчи, моҳир бичиқчилар касб маҳоратларини намоён этиб, доимий мижозлари сафини кенгайтирмоқдалар. Масалан, ишни аввалига четдан келтирилган матолардан қўндалик, тантаналар учун аёлларга либослар тикишдан бошлаган жамоа ахли бугунги кунда кечки либослар ҳамда эксклюзив кийимларни ҳам тикишни йўлга қўйди. Жумладан, болажонлар кийим-кечаларига ҳам буюртмалар қабул қилинмоқда.

Тадбиркор раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари самараси ўларок, ателье цехларида замонавий, юксак унумли хорижий тикув машиналари, дастгоҳ ҳамда бошқа керакли жиҳозлар ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилишлари ҳамда буюртмалар ўз муддатларида бажарилишида муҳим омил бўлмоқда.

Эътиборли томони, жорий йил бошидан ательеда янги хизмат тури жорий қилинди. Яъни, эркак, аёл ҳамда болалар кийим-кечалари қисқа муддатларда таъмирлаб берилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



Ширкат—ибрат

ЙЎЛАКБОШИЛАР — КАТТА КУЧ

ҲАМЗА ТУМАНИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛДАГИ «УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ТИ ҚАРОРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ТОПГАН УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ОРАСИДА «АЛЕКС КОММУНАЛ» ЎЗИНИНГ БУГУНГИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. БУНИНГ АСОСИЙ БОИСИ ЭСА ТАСАРРУФИДАГИ ҚЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ БИЛАН ИШЛАЙ БИЛИШДА, УЛАРНИ ЎЗ МУЛКЛАРИ — ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ САКЛАШ ВА АСРАШГА ЎРГАТИШДА, ЮЗАГА КЕЛГАН КАТТАЮ КИЧИК МУАММОЛАРНИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЕНГИШДА, КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШДАДИР, ДЕСАК АСЛО ЯНГЛИШМАГАН БЎЛАМИЗ.

— Кўпчилик қўп қаватли уйларда яшовчилар ширкати аввалги ЖЭКа билан солиштириб, бир-биридан фарқи йўқ дея ҳолишадилар. — дейди ширкат ижрочи директори Александр Охотников. — Қўп йиллардан буён мазкур соҳада ишлаб шунга амин бўлдимки, уларнинг бир-биридан фарқи катта. Биргина тўлов масаласини, даромад ва харажат масаласини оладиган бўлсак, ЖЭК тизимига яшовчилар ўзлари тўлаётган маблағнинг нималарга сарфланганидан бехабар эди. Ширкатда-чи? Ҳар бир ширкат аъзоси бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлиши баробарида, даромаднинг нимага сарфлаши кераклиги хусусида фикр-мулоҳаза билдириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда ширкатда амалга оширилаётган ишлардан энг муҳими яшовчиларнинг умумий мулкни, ўз уйини сақлашга ўргатиш. Яъни ширкат — бу хонадон мулкдорларининг ўзлари эканини англатишдир.

2005 йилнинг апрелида «Шодлик хизмати» уй-жой мулкдорлари ширкатидан ажралиб чиқиб, 10 та 9 қаватли уйни бирлаштирган ушбу ширкатда энг аввало маблағни тежаш, ресурслар исрофгарчилигининг олдини олиш, иқтисод қилишга эътибор қаратилди. Ҳар бир уйнинг марказий электр шитларига ҳисоблагичлар ўрнатиш натижасида электр қуввати учун сарфланадиган маблағ 3-4 баравар иқтисод бўлди. 684 та хонадондан иборат уйларнинг 32 та йўлгада яшовчилар билан алоҳида йиғилишлар ўтказилиб, ҳар бир йўлак учун йўлакбошилар сайланди ва улар билан ҳуқуқшунос иштирокида шартнома имзоланди.

Ҳуш, бу қандай самара бермоқда? Самараси шундаки ана шу сайланган ишончли

вакил — йўлакбошининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор. У 2 йилга сайланиб, йўлакларнинг санитар ва ёнгина қарши ҳолатига жавоб беради, фойдаланиш харажатлари йиғилишига бевосита жавобгар, умумий мажбуриятларда ўз йўлгадаги аҳоли номидан қатнаш ҳуқуқига эга ва ҳоказо. Йўлакда яшовчиларнинг 2 ойлик дебитор қарзи бўлмаган тақдирда эса йўлакбошилар фойдаланиш харажатлари тўловларидан 50 фоиз имтиёзга эга.

Бунинг учун эса ширкатда нафақат ҳар бир уй, балки йўлаклар бўйича алоҳида ҳисоб дафтарчаси жорий этилган бўлиб, у ҳар ойда тўлдириб борилади. Ушбу дафтарчада йўлак ҳақида барча маълумотлар тўплаб борилади. Шуниси қувонарлики, бу кутилганидек самара бермоқда.

Шунингдек, коммунал тўловларни бажармаган яшовчилар билан шуғулланилади, қарздорлик сабаблари ўрганилади. Қарздорлик суд орқали эмас, тушунтириш натижасида ундирилади, пеня тартиби жорий этилганлиги ҳам кутилган натижа бериляпти. Энг асосийси эса ширкат ҳеч бир хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан қарздор эмас.

Утган йилда 6 та йўлак таъмирланиб, барча

са қувурларга алмаштириш, дам олиш маскани, болалар майдончаси, кичик супермаркет қуриш ана шу ниятлар сирасига кирди. Асосийси, бу ишларни кўрган яшовчилар қараб туришмаяпти.

— Президентимизнинг юқоридagi қароридан сўнг тасарруфимиздаги 31 та қўп қаватли уй 4 та ширкатга бўлинди, — дейди «Шодлик» хизмати» уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори Ольга Богоутдинова. — Ушбу ихчамлашув уйларнинг ҳолатига, уларни бошқаришга ижобий таъсир этди. Энг асосийси, аҳоли билан тез-тез учрашишга, муаммоларни вақтида ҳал этишга эришилаётганида.

Ширкат тасарруфидagi 10 та тўққиз қаватли уйлар ертўлалари аҳоли, йўлакларидagi саранжом-сарихталик, ҳовлилардagi орасталлик ҳам ширкат ҳодимларининг, ҳам яшовчиларнинг бирдек ҳиссаси бор.

— Узимизнинг уйимиз, ўз яшаш жойимиз бўлганидан кейин уни сақлаш, орасталаш зиммасида эканлигини ёдда тутишимиз лозим, — дейди 9-уйнинг 43-хонадонда яшовчи Наргиза Азизова. — Утган йилда йўлакларимиз таъмирланди, темир эшиклар ўрнатилди, буюртмалар ўз вақтида бажарилмоқда. Тайёргарлик кўнглидагидек бўлгани боис кишининг совуқ кунларида самара берди, носозликлар бўлмади. Албатта, бу — ҳамжиҳатлик самараси. Шу боис уйимизда қўлимиздан келадиган барча юмушларни яшовчилар билан бирлашиб бажараямиз. Яшаш жойимизни қанчалик асрасак, бу ўзимизга, фарзандларимизга фойда, албатта.

Жорий йилда 4- ва 7-уйни ўз кучлари билан мукаммал таъмирлаш режаланган. Шунингдек, барча хонадонларга газ, совуқ ва иссиқ сув учун ҳисоблагичлар қўйишнинг туғалланиши кўзда тутилмоқда. Электр энергияси ва маблағни иқтисод қилиш учун лифтларга ҳам ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу ширкатларда биргаликдаги саъй-ҳаркат келгусида уйлар ҳолатида, ҳудудлар ободлигида, аҳолига намунали иқтисодий ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, ушбу саъй-ҳаракатга мулкдорларнинг ўзи чин дилдан ҳисса қўшаётганиги қувонарлидир.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Шодлик хизмати» ширкати фаолиятиндан лавҳалар.

Дилноза СОДИҚОВА

Фармон ва ижро

ТЕКШИРУВЛАР ҚИСКАРДИ,
МАСЪУДИЯТ ОШИРИЛДИ

БУГУНГИ КУНДА СОЛИҚ ИДОРЛАРИ ТОМОНИДАН ТАТБИҚ ЭТИЛАДИГАН БИР ҚАТОР АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШИГА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИШ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил давомида қабул қилинган Фармон ва Қарорлари ижроси юзасидан тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш, яратилаётган янги меъёрий-ҳуқуқий шарт-шароитларнинг мазмун-моҳиятини уларга тўла-тўқис ва тушунарли тарзда етказиш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилиб, бу борадаги амалий ишлар давом этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ тадбиркорлик субъектлари учун барқарор ривожланиш борада кўплаб қулайликлар яратилди, шу жумладан текширишлар сони сезиларли даражада қис-

карди. Хусусан, ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда 2005 йилнинг тўртинчи чораги учун режалаштирилган текширувлар қайта тахлилдан ўтказилиб, 39 фоизга камайтирилди. 2006 йилда ҳам режа-жадвал асосида текшириладиган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони ўтган йилга нисбатан 29,8 фоизга қискарди.

Қонунчиликдаги ва янгиликларни ҳаётга татбиқ этишда пойтахт туманлари кесимида ҳам текширишлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайд этилган Фармони ижросини таъминлаш борасида шаҳар ҳудудий комиссиясининг тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Дастурга асосан солиқ идоралари, шу жумладан барча назорат органлари томонидан амалга оширилаётган вазифалар аниқ белгиланган.

Мазкур Фармон тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш мақсадини кўзда tutadi. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, яратилаётган имкониятлар фақат инсофли, бизнесни ҳалол олиб борушни тадбиркорлар учун кенг йўл очади. Зеро фаолияти-

мизнинг асосий мазмун-моҳияти тадбиркорлар фаолиятини ҳимоя қилиш билан бирга ҳар бир соҳада хатолар, қонунбузилишларга йўл қўймасликка эришиш, одамларни ҳар ишда адолатли дастур деб билишга ўргатишдан иборат. Ҳалоллик ва софлиқни ҳамроҳ биланларга қонунлар қалқон бўлиб, иқтисодий ютуқлар сари етаклайверади. Бу ҳар бир юртдошимизга, хусусан тадбиркору ишбилармонларга ҳам тегишли. Улар ўз фаолиятини ана шу меzonлар асосида юритсагина, шубҳасиз, фақат муваффақият қозонади.

Шу қунларда — қорхоналардан йиллик ҳисоботлар олинаётган бир пайтда улар асосида янги қонун-қондалар тадбиркорга қандай етиб бораётганини аниқлаш қийин эмас. Хусусан, баъзи бир субъектларнинг ҳисобот натижаларини тахлил қилиб, 2005 йилнинг тўртинчи чорагида учинчи чоракка нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми ошганлигини кузатиш мумкин.

Мисол қилиб айтадиган бўлсак, Мирзо Улуғбек туманидаги «Андаза» масъулияти чекланган жамияти тренажёрлар, инкассаторлик сумкаси, сартарошхона учун кресло, ўтиргичлар ишлаб чиқаради. Мазкур қорхона 2005 йил давомида 112 миллион сўмлик ҳажмда иш бажарган бўлса, шундан учинчи чоракда — 20 миллион сўм ва тўртинчи чоракда — 30 мил-

лион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Демак, Фармон талабларига мувофиқ қорхонанинг иш ҳажми 150 фоизга ошган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ҳужжат тадбиркорнинг иш фаолиятига иқтисодий таъсир қилганини кўрсатиб турибди, яъни тадбиркор ўз ҳуқуқини тўлароқ тушунагани, унинг фаолияти қонун билан яна бир бора ҳимояланганлиги, унга эркинлик берганлигининг маҳсулидир. Бундай ишларни яна бошқа қорхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2006 йил 10 февраль кунги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ҳисобот йилидаги иқтисодий-иқтисодий ислохот қилишнинг энг муҳим йўналишларига тўхталиб ўтиб, давлат ва назорат тузилмаларининг қорхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, ҳўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтди.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрининг барча туманларида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний фаолиятига кенг шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишларда Президентимизнинг бу сўзлари ўз аксини топмоқда.

Зафар ҲОШИМЖОНОВ,
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари

БАРЧАМИЗГА ЯХШИ МАЪЛУМКИ, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТИКЛАШ, ИЛМ-ФАННИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ҚАТОРИДА КўПЛАБ БОШҚА ЙўНАЛИШЛАРНИ ҲАМ, ШУ ЖУМЛАДАН МУАЙЯН САБАБЛАРГА КўРА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИНИНГ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС РАВИШДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲАРАКАТЛАР ҚИЛИНДИ. ХУСУСАН, ИҚТИСОДИЁТДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ШАКАР ТАРМОГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

Дарҳақиқат, бозор муносабатларига ўтиш даврининг дастлабки босқичлариданоқ мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти барқарор ривожланишда ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган стратегик вазифалар белгилаб олинди. Шу тарика мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қисқа вақт ичида мамлакатимизда дон, пахта, кейинчалик эса нефть мустақиллигига эришилди. Ўзбекистон олтин қонларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича дунёдаги биринчи ўликдаги давлатлар қаторидан ўрин олди. Буларнинг бари, шубҳасиз, авваламбор валюта сарфининг кескин тежаллишига ва иқтисод қилинган маблағларни иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқлари ривожига йўналтирилишига имкон яратди.

Истеъмол маҳсулотлари ичида асосий ҳисобланган қанднинг ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш масаласи ҳам мамлакат иқтисодиётининг биринчи қалдаги вазифалардан бўлган. Маълум бўлишича, 1954 йилгача ушбу маҳсулот республикамиз доирасида, хусусан Қўқон, Янгийўл, Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Булунгур туманларида қанд лавлагиси асосида ишлаб чиқарилган. Кейинчалик ўша даврининг сиёсатига амал қилган ҳолда деярли ярим аср давомида республикамизда қанда бўлган эҳтиёж фақат импорт ҳисобига қондрилган. Унинг маҳаллий хом ашё негизида ишлаб чиқарилишини қайта тиклаш масаласи эса фақат мустақиллик йилларида қўтарилди. Шундай қилиб 90-йилларнинг ўрталарида қанд лавлагисидан шакар тайёрлаш бўйича заводга асос солинди. Қорхона қисқа муддат ичида ишга туширилган бўлсада, лекин бу ерда ишлаб чиқариш жараёни мавсумий равишда — атиги уч ой давом этиб, бир йил ичида ўрта ҳисобда 21 минг тоннагача шакар ишлаб чиқариладиган. Албатта, бу ҳажм ички бозор талабини қондирга олмаслиги яхши маълум эди. Ушбу масала иқтисодиётда асосий бўлиб қолаётгани боис, ҳукумат даражасига қўтарилди. Мамлакатимизда шакар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ўша пайтда давлат қорхонаси бўлган «Хоразм-шакар»нинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда самарадорликка эришиш ва уни шакарқамиш импорти ҳисобига хом ашё билан мунтазам таъминлаш мақсадида 2001 йил 27 мартда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга асосан мавсумлар оралиғидаги даврга шакар тайёрлаш ҳажмини 126 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун катта валюта маблағлари талаб этиларди. Шу мақсадда 2001 йилнинг ўзида 1,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда «Шакар-инвестмент» қўшма қорхонаси тuzилди. Ушбу қорхонанинг таъсисчилари сифатида «Олл Америкас интернешнл» (АҚШ) ва «Сеид Хендель Гезелшафт» (Австрия) - иккита хорижий компания, Ўзбекистон томонидан эса «Хоразм-шакар» акциядорлик жамияти ва «Миссури» хусусий фирмаси белгиланди. Хорижий шериқларнинг низом жамғармасидаги улуши 76 фоизни ташкил этди.

Дастлабки капитал «Хоразм-шакар» қорхонасини қисман реконструкция қилиш ишларига йўналтирилди. Биринчи босқичда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ва соzлаш ишлари амалга оширилиб, жумладан шакар хом ашёсини сақлаш учун махсус омборхона, дастлабки суоплтириш бўлими, фильтрлаш ускуналари ва қувар ўтказгичлар, махсулотни вагонлардан ортиш-тушириш жойлари қуриб битказилди. Олти ойдан сўнг, 2001 йилнинг ноябрь ойида қорхона фойдаланишга топширилди. Унинг ишлаб чиқариш қуввати деярли 1,8 фоизга ошиб, кунига 700 тоннагача шакар ишлаб чиқарила бошланди.

2002 йилнинг июнь-август ойларида иккинчи босқичдаги реконструкция ишлари амалга оширилганидан кейин қўшма қорхона суткасига 1 минг тоннагача шакар тайёрлаш имкониятига эга бўлди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ равишда Германия, Швеция, Италия ва Туркиядан келтирилган юқори технология дастгоҳларда амалга оширилаётган бўлиб, бунинг учун мақсадли равишда 25 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит маб-

Долзарб мавзу

«ШАКАР-ИНВЕСТМЕНТ»:

КЕЧА ВА БУГУН

лағлари жалб этилди.

Бундай қудратли қувватга эга бўлган қорхонанинг очилиши мамлакатимизнинг нафақат муҳим стратегик масаласи — шакар маҳсулотини доимий ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, балки аҳолини иш билан банд қилиш каби яна бир долзарб масаланинг ҳам ечимини топиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда бу ерда компьютерлаштирилган дастгоҳларда ишлаш учун махсус тайёргарлик курсларини ўтаган 1300 нафар юқори малакали мутахассислар фаолият юритади.

Дарвоқе, «Шакар-инвестмент»нинг фаолияти ойига 2 минг тоннагача оҳат тоши етказиб бериучи «Карбонат» акциядорлик жамияти, шунингдек ҳар йили 3 миллион донадан кўпроқ полипропилен қоплари ҳамда ёрликларни тайёрлаб бериучи ҳамкор «қорхоналарнинг ҳам барқарор ишлашига қулайликлар яратди. Шакар хом ашёси ва тайёр маҳсулотни ташини ҳисобига «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг бу борадаги юк айланмаси ҳажмлари ҳам анча салмоқлидир.

Ўтган беш йил давомида қорхонанинг иқтисодий самарадорлиги 75 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, бу ерда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот ҳисобига шакар импортининг кескин қисқартирилишига эришилди, 52,5 миллион АҚШ доллари қийматида валюта маблағлари тежалди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхона сифатида «Шакар-инвестмент» етти йилга даромад солиғидан озод этилган. Бу мuddат икки йилдан сўнг тугайди. Амалдаги қондаларга мувофиқ қорхона иқтисод қилинган маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш лозим. «Шакар-инвестмент» ҳам бунга риоя этган ҳолда ақин вақт ичида мавжуд ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш эъзизига қанд рафини, қандолат маҳсулотларини ҳам тайёрлашни режалаштирган. Бундан ташқари, маблағ борасида янада тежамкорликка эришиш мақсадида ташкилоперация ҳисобига қорхона имкониятларидан чекланиб, қадоклаш материалларини ўз доирасида ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйиш истигадидир. Бундай минималлаш қилиш тузилмалари эса, ўз навбатида, қўшимча иш жойлари очилишига замин яратди.

Қўшма қорхонани ҳомийлик ботида ҳам фаол ҳисобланади десак бўлади. «Шакар-инвестмент» ҳам таъминланган ва кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига моддий қўмак бериб келади, ижтимоий аҳамиятга эга соғлиқни сақлаш, спорт мажмуалари қурилишларининг молиявий таъминотисидир. Бугунги кунда бу қорхонанинг қўлаб-қувватлаши эъзизига мамлакатимиз пойтахтида бир қатор Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар ўз автотранспорт воситаларига эга бўлди. Кейинги йиллар ичида қорхона томонидан хайрия ишларига 395 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, айни пайтда шу жумладан унинг салмоқли ҳиссаси эъзизига Ҳазорасп тумани (Хоразм вилояти)да туркук мажмуаси қурилаётди.

Қорхона маъмурияти ўз ишчи-хизматчиларига ҳам катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Уларнинг уй-жой-مائий шароитларини яхшилаш мақсадида айни пайтда барча қулайликларга эга бўлган икки қаватли коттеждлардан иборат янги турар жой мавзеси барпо этилмоқда. Бу уйлarning узок мuddатли фoизсиз кредит асосида тақсимланиши кўзда тутилган.

Қўшма қорхонанинг асосий фаолиятига қайтиб, шуни айтиб ўтиш муҳимки, ўтган беш йил давомида бу ерда 870 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган, бу эса бир йилда ўрта ҳисобда 175 минг тоннага тўғри келмоқда. Демак, олдиндан белгиланган лойиҳа қуввати ортиги билан ўзлаштирилган. Бу борада алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, «Шакар-инвестмент»нинг барқарор фаолияти ҳисобига кейинги йиллар давомида мамлакатимизда ушбу маҳсулотга эҳтиёж тўлиқ қондрилиб, хаттоки шакар ишлатилиши кескин қўлабданган мавсум пайтида ҳам истеъмолчилар томонидан танқислик сезилмаган.

Бугунги кунда қўшма қорхонанинг қувватлари мавжуд ҳажмларни йилга 300 минг тоннагача кўпайтириш имкониятини беради. Бу дегани «Шакар-инвестмент», республикамизда иқтисодлиги бўйича ягона қорхона ҳисобланса ҳам, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини тўлиқ ҳажмда ва фақат маҳаллий тарзда ишлаб чиқарилган маҳсулот орқали қондирishi мумкин.

Шу ерда яна бир муҳим аҳамиятга молик фикрни келтириб ўтиш ўринлидир. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда аксарият шакар ишлаб чиқарувчи

давлатлар, шу жумладан МДҲ мамлакатлари ҳам хом ашё импорти асосида иш юритади. Аммо, масалан, аҳолиси 1,3 миллиардга тенг Хитой эса дунёда шакарнинг энг йирик истеъмолчиси ҳамда импорт қилувчи давлат ҳисобланади. Шу боис шакар маҳсулотини хориждан келтириш учун бу давлатда қанчалик катта миқдорда валюта маблағлари сарфланишини ҳисоблаб чиқиб ҳам қийин эмас. Шакар хом ашёсини етиштириб бериучи давлатлар қаторига асосан Бразилия, Куба, Гватемала каби Латин Америкаси мамлакатлари қиради. Шакарқамиш шунингдек, Таиландда ҳам ўстирилади.

Уйлаймики, энди мамлакатимиз шакар тармоғининг тарихи ва бугунги ҳолати юзасидан тегишли ахборотга эга бўла туриб, нафақат биз, ўзбекистонликлар, балки бутун жаҳон ҳамжамиятини хавотирга солаётган бир масалага аниқлик киритиб олишнинг вақти келди чоғи. Жорий йилнинг январь ойи ўрталарида шакарнинг нархи ошиб кетгани барчага яхши маълум. Бу ҳолат эса жаҳон бозорида шакар хом ашёсига биржа нархлари ошгани билан бевосита боғлиқдир.

Қийидаги рақамларга эътибор қаратамиз. 2005 йилнинг 1 январига қадар шакар хом ашёсининг бир тоннаси 202,2 доллари ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 20 январига Нью-Йорк биржасида бу кўрсаткич 355 долларгача кескин кўтарилди, яъни ўтган йилга нисбатан шакар хом ашёсининг қиймати 57 фоизга ошгани кузатилди.

Бугунги кунда жаҳон бозорида нархлар ўзгариши давом этмоқда. Хусусан, 3 февралда шакар хом ашёсининг бир тоннаси қиймати 425,5 доллари, 6 февралда — 414,5 доллари, 7 февралда — 406,8 доллари ташкил этди. 8 февралда эса яна 414,5 доллар даражасида қайд этилди, аммо 9 февралда унинг 15 доллarga пайишли қузатилди. (Шу ўринда ички бозорларда ақиний нарх белгиланаётганда барча сарф-харажатлар, шу жумладан транспорт, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек савдо устама ҳақи албатта назарда тутилишини унутмаслик керак.)

Нархнинг бундай кескин кўтарилишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда. Биринчи навбатда бу дунёда энг йирик шакар ишлаб чиқарувчи Бразилия давлати шакар хом ашёси ҳосилининг асосий қисmini бензин ўрнини босувчи ёқилғи - этанол ишлаб чиқаришга йўналтираётгани билан боғлиқдир. Сабаби аён: кейинги пайтда жаҳон бозорида нефтининг нархи ҳам анча ошиб бормоқда. Яна бир омил - бу дунёда шакарни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда турган Таиландда кетма-кет табиий офатлар, яъни аввал кескин қурғоқчилик, кейинчалик тошқинлар юзaga келганидир. Шу билан бирга тадқиқотчи-мутахассислар истиқболда Бутунжаҳон савдо ташкилоти қонун-қондалар ва талабларига қатъий риоя этадиган Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳам шакар экспорти қисқариши эҳтимоли борлигини баъшарт қилмоқда.

Табиийки, бу ташқи омиллар бизнинг бозоримизда ҳам шакар нархига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бундан кейин воқеалар қандай ривож топишини вақт кўрсатади, албатта. Лекин, кўриб турганимиздек, жаҳон ҳамжамияти даражасида кун тартибига кўтарилган ушбу масала, шубҳасиз, аста-секин барқарорлашиб боради.

Шу билан бирга юқорида айтилган барча фикрларга шуни ҳам қўшимча қилмоқчимизки, дунёдаги бирон-бир мамлакат иқтисодий жиҳатдан ақалиқда ривожлана олмайди, хаттоки унда хом ашё ёки саноат имкониятлари чексиз бўлса ҳам. Дунё бозоридида у ёки бу товарларнинг нархи аксарият ҳолларда барибир ички бозорларда ҳам ақини топиши муқаррар, зеро иқтисодий муносабатлар сиёсати шундай юритилади. Асосий мавзуга қайтиб, яна бир бор шуни таъкидлаб ўтамизки, мамлакатимизда шакар ишлаб чиқариш имкониятлари саноат даражасида татбиқ этилиб келмоқда. Тўғри, тан олишимиз керак, ҳозирча ҳақиқатан ҳам хом ашёнинг асосий қисми республикамиз ташқарисидан келтирилади. Аммо бугунги кунда аграр соҳасида олиб борилаётган чуқур ислохотларни ҳисобга оладиган бўлсак, шубҳасиз, ақин вақт ичида шакарни ўзимизда етиштирилган ҳосилдан ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш бўйича кўплаб янги-янги йўналишлар юзaga келиб, ҳаётга татбиқ этилади.

Хулоса ўрнида ушбу долзарб мавзуга бағишланган материал тайёрланишида барча керакли маълумотларни тўплаган ҳақиндан ёрдам берган «Шакар-инвестмент» қўшма қорхонаси, хусусан унинг бош директори Фазлитдин Сраджидиновга миннатдорчилик билдираимиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Ҳамкорлик

ИНВЕСТИЦИЯЛАР —
ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
РАВНАҚИ АСОСИ

ДАВЛАТИМИЗ ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН, ЭНГ АВВАЛО ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БИРГА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ТАЪМИНЛАШГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА. ҲОЗИРГИ ДАВРДА БУ БОРАДА КАТТА АМАЛИЙ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛАЁТГАНЛИГИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАРМОН ВА ФАРМОЙИШЛАРИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИДА ҲАМ АҚҚОЛ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.

Мамлакатимизга инвестиция киритиш ҳажми охириги тўққиз ой ичида икки баробарга ўсди. Бу эса ўз навбатида юртимизга хорижий мамлакатларнинг ишончи ортиб, биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи давлатларнинг салмоғи ошаётганлигидан далолатдир.

Статистик кўрсаткичлар бўйича охириги тўққиз ой давомида ялпи ички маҳсулотлар 8,9 фоизга ошган, ўз навбатида инфляция кўрсаткичи эса 0,3 фоизга камайган. Саноат ишлаб чиқариши 10,2 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 14,2 фоизга, алоқа ва транспорт хизматлари эса 9 фоизга ошганлигини ҳам таъкидлаш ўринли.

Инфляциянинг камайишига сабабнинг яна бири — давлатимизнинг миллий валютага конвертация киритишидир. Шунинг таъкидлаш лозимки, давлатимизнинг ташқи савдо айланмаси 815,3 миллион доллarga етди ва бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 300 миллион доллarga ўсган.

Хусусийлаштирилган олинган миқдор 1,7 марта, қимматли қозғалар айланмаси 1,7 мартага ошганлиги давлатимиз иқтисодиёти анча тез ривожланаётганлиги ва хорижий мамлакатлар билан амалга оширилаётган манфаатли ҳамкорлиқнинг натижасидир.

Сўнгги йилларда хориқ сарможаларининг мамлакатимизга киритилиши ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш билан бирга ялпи ва ички миллий маҳсулотимизнинг ўсишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасининг Корея давлати билан ҳамкорликда иш олиб бориши ва бу давлатнинг мамлакатимизга катта миқдорда инвестиция киритаётганлиги ҳам бунга аққол далилидир.

Энг муҳими, хориқ давлатларининг мамлакатимизга инвестиция киритиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Бу борада давлатимизнинг жойлашган ўрни, табиий ресурс ва шароитлари, тўплог, ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш муассасаларининг фаолиятини таъкидлаш мумкин.

К.ҚОСИМОВ,
талаба

Таълим

ЯНГИ УСЎБДАГИ
ДАРС

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 268-МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАРГА МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР ДАРС БЕРИБ КЕЛИШМОҚДА. ЯҚИНДА ШУ МАКТАБНИНГ 4-СИНФИДА ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАТЕМАТИКА ФАНИДАН ИНСЕРТ УСУЛИДА ИНТЕРФАОЛ ДАРС ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. БУ УСУЛ ҲОЗИРГИ КУНДА ДОЛЗАРБ БЎЛИБ, ЗАМОН ТАЛАБИГА ТўЛА ЖАВОБ БЕРАДИ.

Бундай дарсни ўтказишдан мақсад, Давлат таълим стандартларига жавоб бериш, ўқувчиларнинг ҳисоблаш малакаларини янада яхшилаш, касбга бўлган қизиқишларини ошириш, Ва-танга муҳаббат, экологияни, она-табиати асраш, озодалиқка риоя қилиш, озаки нутқни бойитишдан иборатдир.

Бу интерфаол дарсда ўқувчиларнинг ўзлари мураббийлик қилишди. Дарсда ўқувчилар гуруҳларга бўлинди. I-гуруҳ-шифокорлар, II-гуруҳ — ҳомийлар, III-гуруҳ—мураббийлар бўлди. Уч гуруҳдан иборат бўлган ўқувчилар ўз мавзусларини синф-дошларига, мактаб ўқувчиларига батафсил тушултириб берди.

Шифокорлар ибн Сино тарихидан, ўғитларидан, табобатга доир асарларидан бошлаб, касалнинг олдини олиш, боланинг соғлиги учун нималар зарурлигини тушултириб берди. Шифокорлар гуруҳида Аббос Алвуддин, Жасур Йўлдошевларнинг жавоби тақсига сазовор бўлди.

Мазкур дарсда ўқувчилар ҳозиржавобликлар, зўжколикларини намойиш қилди.

Муҳаббат ОРИПОВА,
268-мактаб ўқувчиси

Турфа олам

«ОЧОҚАТ ҚОРА
ТУЙНУК» ДАРС

БИРМИНГЕМ ҲАМДА НОТИНГЕМ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ (БҲОК БРИТАНИЯ) ФАЗОДАГИ «ҚОРА ТУЙНУК»ЛАР БОРАСИДА ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИБ, ЮЛДУЗ ТУРКУМЛАРИ МАРКАЗИДАГИ «ҚОРА ТУЙНУК»ЛАР ВАҚТ ЎТИШИ БИЛАН АТРОФДАГИ ЮЛДУЗ ВА ГАЗЛИ БУЛУТЛАРИНИ «ЕЙИШ» ЭЪЗАФИГА «СЕМЕРИЯ» БОРМОҚДА, ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛИШДИ.

Галактикалар марказида унча катта бўлмаган, аммо жуда зич «қора туйнук»лар борлиги аллақанда исботланган. Уларнинг оғирлиги Кўёш оғирлигидан миллиард марта кўп, аммо шунга қарамай, «қора туйнук»лар ўлчами жиҳатидан бизнинг Кўёш тизимимиздан унча катта эмас.

«Қора туйнук»ларнинг ҳақиқий пайдо бўлиши ҳамон

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА

ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БҮСТОНИ

Айди: «Халқ ичра бу бир касбдур, Касбни бошинга кийсанг касбдур».

ГУЛХАНИЙ

Ким бўлса хунарсиз иши—ўқ ранжи эрур, Бу ваҳж ила хунари ганжи эрур.

НАВОИЙ

Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу хунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган. Юрт ва элнинг ривожини ҳам хунарга боғлиқ. Энг ҳалол ва энг ёқимли ёмиш ва кийиш хунардан ҳосил бўлади. Хунар — яширин хазина. Кунини келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, хунардан ҳеч қачон ажралмайсан. Хунар сенинг доимий ҳамроҳинг, мададкоринг.

Мухаммад Жавҳар ЗАМИНДОР
Инсоннинг хунари унинг бойлиги.
Пул тугайди, бироқ хунар тугамайди.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Хунар бир бўлуб ёпмиш айб,
Қилур дўст ул бир хунарга назар.

ОРАЗИЙ

Агар одам учун хунар дарахтининг мевасига эҳтиёж бўлмаса ҳам, бироқ бир кун хунар унинг ҳаётини сақлаб қолишда асосий восита бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам оталар ўз фарзандларининг истеъдод уйини қобилияти мулки билан безашга бор кучлари билан ҳаракат қилсинлар.

Бархурдор ибн МАХМУД

Неча арзи хунар қилсам сўз ичра,
Тутарлар ул хунарга айб ила ном.

МУНИС

Бир-бирингиз билан саломлашиб юринларинг, шунда ўрталарингиз меҳр-муҳаббат уйғунур.

ХАДИС

Эй ўғил! Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон ҳислатлардан бири ишлаган бировларнинг инъом-эҳсонига таъма қўзини тикиб ўтиришдир. Касбу хунар эгаси таъмадан ҳолидир. У ўз хунарининг фазилати туфайли ўз меҳнати билан ҳалол топиб, ҳалол ейди.

Мухаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Хунар саҳифасига рақам чекувчилар ҳужаста сиёратли ҳар бир юрт-мамлакатдан қизил тилла сингари мўтабар ширин сўзли катта ва кичикнинг раҳматига муяссар бўладилар. Агар кишининг қўл остида қобилиятнинг тоза олтинидан бир дирам бўлса оғирчилик пайтларида ҳам унинг қўзи таъма чанги билан бўлганмайдими ва рўзгор сандиги бойлиқнинг қумуш-олтинидан ҳоли бўлмайдими.

Бархурдор ибн МАХМУД

Асл ғизо касб ва хунар билан топиладиган ғизо.

Мухаммад Сиддик РУШДИЙ

Ҳислати ҳўб ҳамадин, бас адаб ўрган зинҳор,
Билими хунари бўлган киши бўлмас хор.

ТОЛИБ ТОЛИБИЙ

Хунарни қадрламаган оч қолади.
Ҳар ким анжир сотиб, қорни бўлса тўқ,
Унга шу хунардан устун хунар йўқ.
Инсон хунаридан ҳурмат қўради.
Дунёда не экса шуни ўради.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Хунар кўргил айб кўргунча зинҳор,
Чечак тер боққа кирсанг, олмагаил хор.

КУТБ

Айтишларча, Гуштосб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Қўстантания шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бирор тийин ҳам йўқ эди. Ёйишга нараса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат нафси йўл қўймас эди. Унинг ёнида ёйишга йўқ эди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четидида жойлашган темирчи дўкони олдида бироз тўхтаб, темирчиларнинг пиқоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гуштосб қўл уйлаб ўтирмай, темирчилар олдида борди ва уларга деди:

— Эй, биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингизга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гуштосб бир неча мuddат ишлаб пул йиғди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёш қарини касбу хунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида хунар ўрганишга фармон берди.

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ

ҲИҚОЯТ. Келтиришларча, бир ҳақим ўз ўғлига насиҳат қилиб, шундай дер экан:

Олтининг харж билан охири бўлар кам,
Хунар шундай ганж, қайимас ҳеч дам!
Уларнинг фарқини айтсам агарда,
Хунар чашма эрур, олтин-чи шабнам!

ХУРРАМИЙ

Одамнинг баракали ва бадавлат бўлиши учун касбу хунардан кимматроқ мато йўқ ва улуғлик ҳамда саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқдир. Хунар суви билан сугорилмаган киши гўёки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшайди. Ёки хид ва рангдан ҳоли гулга монанддир. Дарҳақиқат, бу фирдавсмонанд гулшанининг райхонлари ҳидидан димоғини муаттар қилган киши хилма-хил камёб лаззатли нәматлардан баҳраманд бўлади. Бу нәматнинг ёқимли майдан бир журъда тотмаган киши доимо бахтсизлик ва ожизлик билан оғриб, ҳумор бўлиб юради. Кўп азоб ва уқубатлар юқини елкасида кўтариб юришга мажбур бўлади. Билим ва ҳақиқат боғининг боғбонлари касбу хунарсиз кишиларни жамиятнинг разил ва пасткаш кишилари, деб ҳисоблаганлар. Касбу камолсиз кишининг муҳаббати ҳеч бир дилдан жой топпайди ва ҳеч ким касбу хунарсиз кишига ёрдам қўлини чўзмайди.

Хунар билан ҳаёт нахлин эгаллаганларга,
Саодат хазинаси қалити муяссардир.

Бархурдор ибн МАХМУД

Агар боши била чоҳ қазиса банда,
Қўзини ёйиша сув топса анда.
Ва гар қазиса ариг кирик била мард,
Агар бир хўшаи жав қилса парвард.
Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидан улдур осон.

Сўфи ОЛЛОЁР

Махмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлаган



“ПАХТАКОР”ДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ МАВСУМДАГИ ИЛК ҲАҚИДА
ҲАҚИДА

ҲАР БИР ЯНГИ ФУТБОЛ
МАВСУМИ БОШЛАНШИНИ
ИШҚИБОЗЛАР ИНТИҚЛИК ВА
ҲАЯЖОН ИЛА КУТИШАДИ.
БИНОБАРИН, БУ ЙИЛГИ
МАВСУМНИНГ ИЛК РАСМИЙ
ҲАҚИДА ИШҚИБОЗЛАРГА ОЛАМ-
ОЛАМ ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ.

Албатта, ушбу ўйиннинг 2007 йилги Осиё чемпионатида саралаш турлари даражасида ўтказилиши нур устига аъло нур бўлди. Зеро, муҳлислар янги тажрибали мураббий Валерий Непомняший ва унинг ёрдамчиси Усмон Тошевларнинг нима-ларга қодир эканликлари синондан ўтказилди.

Дарвоқе, рақибларимиз тўғрисида икки оғиз маълумот. Осиёнинг энг йирик мамлакатларидан бири бўлган Бангладешда футбол федерациясига 1972 йилда асос солинган. 1974 йилдан ФИФА, 1973 йилдан эса Осиё Футбол конфедерацияси аъзоси. Бугунги кунгача эришган энг юқори натижаси — мамлакат терма жамоаси 1999 йилда Жанубий Осиё ўйинларида ғолиб чиққан.

Шундай қилиб кеча марказий “Пахтакор” стадионида терма жамоамиз қуйидаги таркибда майдонга тушди: Сафонов, Фёдоров (сардор), Аликулов, Жепаров, Солиев, Карпенко, Бикмаев, Гейнрих, Шаққий, Копадзе, Денисов. “Пахтакор”нинг собик сардори, маҳоратли химоячи Геннадий Денисовнинг ўғли Виталий Денисовни ҳисобга олганда барча ўйинчилар ишқибозларга яхши таниш.

Кутилганидек, учрашув терма жамоамиз

аъзоларининг кетма-кет ҳужумлари билан бошланди. Хавфли ҳужумлардан бири самарали яқунланди, Анвар Солиевнинг дарвозабонни чалғитганидан фойдаланган Александр Гейнрих бўш дарвозани аниқ нишонга олган ҳолда ҳисобни очди.

Орадан кўп ўтмасдан рақиб химоячиси-нинг қўли билан ўйнаганлиги учун белгиланган пенальтини Сервер Жепаров кучли зарба билан дарвоза бурчагига йўллади. Рақиб дарвозабони тўп йўна-лишини тўғри топган бўлса-да, бироқ уни қайтаришга ожизлик қилди — 2:0.

Учрашувнинг 37-дақиқасида эса Максим Шаққий жуда нуқулай вазиятда турган бўлса-да, чап қанотдан чиқарилган бурчак тўпидан унумли фойдаланган ҳолда кучли зарба билан ҳисобни 3:0 га етказди. Биринчи бўлим шу ҳисобда тугади.

Иккинчи бўлимда ҳам футболчилари-миз суръатни бўшаштиришмади. 52 дақиқада Асрор Аликулов бошлаган ҳужум самарали яқунланди. Тимур Копадзеда

рақиблар жарима майдонида тўпни қабул қилиб олган Гейнрих икки рақиб химоя-чиси орасида бўлишга қарамай бор маҳоратини ишга солиб, тўртинчи бор рақиб дарвозабонини тўрдан тўпни олиб чиқишга мажбур этди.

Ниҳоят, 85-дақиқада ўтган мавсумнинг энг яхши ўйинчиси Максим Шаққий учра-шувга яқиниқ нуқта қўйди. Унинг кирит-ган тўпи Гейнрихникидан ҳам чиройли чиқ-ди. Зеро, Максимга жарима майдончаси-да ҳатто уч химоячи ҳам хотиржамлик билан аниқ зарба бериб ҳисобни 5:0 га етказишга ҳалал беришолмади.

Қизиги шундаки, Шаққий Бангладеш термаси билан ўтказилган олдинги ўйин-да ҳам иккита тўп киритишга муваффақ бўлганди.

Шундай қилиб, мавсумнинг дастлаб-ки ўйини футболчиларимизнинг 5:0 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан туга-ди. Чарм тўп усталаримиз саралаш тур-нирининг кейинги ўйинини 1 мартда Доха шаҳрида юртдошларимиздан кей-ин гуруҳнинг энг кучли терма жамоаси бўлмиш Қатарга қарши ўтказишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.
Сарвар Урмонов (УЗА)
олган суратлар



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент ша-ҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадида ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг очик қиммати савдоси ўтказилади.

2006 йил 10 март куни қуй-идаги автомобилотранспорт воси-таларининг қиммати савдоси ўтказилади:

1. «ДЭУ Супер Салон 2.0» авто-моби, 1998 йилда ишлаб чиқарил-ган, давлат рақам белгиси йўқ, бошлан-ғич нархи 8.000.000 сўм, техник со-з—Юнусобод-262/4;
2. «Газ-24» автомобили, 1984 йил-да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 О 26-74, бошланғич нар-хи 1.160.000 сўм, техник носоз—Як-касарой—1032/13;
3. «УРАЛ-4320» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси 3414 ТНФ, бошланғич нархи 7.680.000 сўм, техник носоз—Миробод-48/4;
4. «ГАЗ-2411» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси 10 Г 0787, бошланғич нархи 8.111.62 сўм, техник носоз—Миробод-49/4;
5. «Газ 24» автомобили, 1983 йил-да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Ф 49-11, бошланғич нар-хи 410.080 сўм, техник носоз—Як-касарой—1031/13;
6. «Мерседес-Бенц-Д124» авто-моби, 1992 йилда ишлаб чиқарил-ган, давлат рақам белгиси В 772 ОЗМ, бошланғич нархи 4.379.862 сўм, техник со-з—Юнусобод-171/4;
7. «Мерседес-Бенц-210» авто-моби, 1996 йилда ишлаб чиқарил-ган, давлат рақам белгиси В 476 SHM, бошланғич нархи 6.775.208 сўм, техник со-з—Юнусобод-172/4;

2006 йил 14 март куни қуй-идаги автомобилотранспорт воси-таларининг қиммати савдоси ўтказилади:

1. «Тико» автомобили, 2003 йил-да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Д 32-11, бошланғич нар-хи 5.690.700 сўм, техник со-з—Юн-усобод-297/4;
2. «Газ 24» автомобили, 1981 йил-да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Л 57-98, бошланғич нар-хи 597.855 сўм, техник носоз—Як-касарой—1033/13;
3. «ДЭУ Супер Салон 2.0» ав-томоби, 1998 йилда ишлаб чиқа-рилган, давлат рақам белгиси йўқ,

бошланғич нархи 8.000.000 сўм, тех-ник со-з—Юнусобод-263/4

4. «BMW-325» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси йўқ, бошланғич нархи 8.000.000 сўм, техник со-з—Юн-усобод-238/4;

5. «ПЕЖО-206» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, дав-лат рақам белгиси 10 В 67-76, бош-ланғич нархи 16.200.000 сўм, техник со-з—Юнусобод-135/4;

6. «ИЖ-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси йўқ, бошланғич нархи 788.568 сўм, техник носоз—Юн-усобод-77/1;

7. «Газ-2411» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси 10 Г 4111, бошланғич нархи 400.000 сўм, техник носоз—Миробод-9248/4;

8. «ВАЗ-11113-Ока» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, дав-лат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 627.200 сўм, техник носоз—Миробод—182/4;

9. «Мазда-626» автомобили, иш-лаб чиқарилган йили аниқланмаган, давлат рақам белгиси йўқ, бошлан-ғич нархи 3.240.000 сўм, тех. но-соз—Юнусобод-158/13

10. «Москвич 412» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, дав-лат рақам белгиси 30 Д 78-07, бош-ланғич нархи 200.000 сўм, техник со-з—Хамза-275/4;

11. «Газ-3306» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1.212.741 сўм, техник носоз—Яккасарой-3/4;

12. «Камаз 53212» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, дав-лат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 5.000.000 сўм, техник носоз—Чилонзор-295/4;

13. «Нексия» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси 10 АГ 811, бошланғич нархи 4.500.000 сўм, техник носоз—Шайхонтоҳур—306/4;

14. «Дамас» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси 10 АГ 313, бошланғич нархи 3.112.640 сўм, техник со-з—

Шайхонтоҳур—306/4

2006 йил 24 март куни қуй-идаги автомобилотранспорт воси-таларининг қиммати савдоси ўтказилади:

1. «Форд-Скорпио» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, дав-лат рақам белгиси 30 Л 78-51, бош-ланғич нархи 135.969 сўм, техник но-соз—М.Улуғбек-141/4;

2. «Москвич-407» автомобили, 1960 йилда ишлаб чиқарилган, дав-лат рақам белгиси 30 Л 78-51, бош-ланғич нархи 135.969 сўм, техник но-соз—М.Улуғбек-141/4;

3. «Зил-133 ГЯ» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси 10 АГ 883, бошланғич нархи 3.402.300 сўм, техник носоз—Чилонзор-144/1;

4. «ВАЗ-2106» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-қам белгиси 11 М 93-06, бошлан-ғич нархи 745.358 сўм, техник но-соз—Яккасарой-135/4;

5. «Истана» автомобили, 2000 йил-да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Т 7484, бошланғич нар-хи 10.000.000 сўм, техник со-з—Юн-усобод-162/4;

6. «Тойота Ленд Крузер» автомо-били, 1993 йилда ишлаб чиқарил-ган, давлат рақам белгиси Е 001 АЕ 65 RUS, бошланғич нархи 12.000.000 сўм, техник со-з—Юн-усобод-160/4;

Қиммати савдоси соат 16-Одада бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтининг душанба, чор-шанба, жума кунлари соат 14.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳи вакил-лари томонидан амалга оширилади

ва қиммати савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади. Қиммати сав-досида иштирок этиш учун автомо-тортранспорт воситаси сақланаётган туман суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисоб рақамига авто-мотортранспорт воситасининг бошла-ниг нархидан 10% тўланиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ус-мон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08; 41-16-38.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқ-армаси 18-жазони ижро этиш колониясига қарашли кўп тармоқли Республика ши-фоҳонасига олий маълумотли шифокорларни хизматга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

35 ёшгача бўлганлар соғлиғини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар идораларида офи-цер бўлиш ҳамда 50 ёшда нафақага чиқиш имтиёзидан фойдаланадилар. Бошлан-ғич ойлик маошлари 115.000 сўмдан 140.000 сўмгача белгиланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Оҳанграбо кўчаси, 1-уй.

Транспорт: А.Темур хибонидан 7-автотролейбус. Тошкент шимолий вокзалидан 81-автотролейбус. Чкалов метросидан 15-автотролейбус. Юнусобод тумани, 10-да-ҳасидан 93-автотролейбус.

Телефонлар: 90-83-86, 90-36-29, 90-78-14, 90-36-35, 90-36-17.



МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г-406

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

5218 нусхада босилди.

Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот

бошқармасида 02-1-рақам

билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,

пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.